

Ўзбекистондаги ҳамкор университетларда Геоинформатика магистратура мутахассислиги учун таълим тизимини яратиш

Шухрат Шокиров¹, Одил Акбаров¹, Андреа Подор², Жозеф Штробл³, Барбара Брунер³,
Бернард Бретц³, Хуаан Фан⁴

1 Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент, Ўзбекистон

2 Ғарбий Венгрия университети, Будапешт, Венгрия

3 Париж-Лодрон университети, Залцбург, Австрия

4 Швеция Қироллик технология институти, Стокгоlm, Швеция

Email: ge-uz@geo.info.hu

Абстракт

Темпус дастурининг GE-UZ лойиҳаси Ўзбекистондаги Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент архитектура қурилиш институти ва Қорақалпоқ Давлат университетларида Геоинформатика мутахассислиги бўйича янги магистратура йўналишини очиш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Лойиҳа 2012 йилнинг октябрь ойида бошланган бўлиб 3 йил давом этади ва Ғарбий Венгрия университети бошчилигида Австриянинг Париж-Лодрон университети, Швеция Қироллик технология институти ва Британиянинг Гринвич университети ҳамкорлик қилади. Ушбу мақолада янги магистратура мутахассислиги учун таълим тизимини яратиш бўйича бажарилган ва бажарилиши режалаштирилган ишлар тўғрисида сўз юритилади.

Мақсад ва вазифалар


GE-UZ лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири очилиши кутилаётган Геоинформатика бўйича янги магистратура курси учун таълим тизимини яратишдан иборат ва бу борада лойиҳа доирасида таълим бериш ва таълим олиш муҳитини яратиш, ўқитувчилар учун тренинг курсларини ташкил этиш ва таълим тармоғини яратиш каби вазифалар белгиланган ва улар босқичма босқич амалга оширилмоқда. Бу вазифалар лойиҳанинг мақсадларини амалга оширишда ва лойиҳа натижаларининг барқарорлигини таъминлашда энг муҳим восита ҳисобланади.

Қуйида таълим тизимини яратиш бўйича белгиланган вазифалар ва уларни амалга ошириш ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиз:

Таълим бериш ва таълим олиш муҳитини яратиш: Бу вазифани амалга ошириш мақсадида онлайн таълим тизимини яратиш ва татбиқ этиш режалаштирилган эди. Бунга кўра жорий йилнинг март ойида Moodle онлайн платформаси ишга туширилди ва ҳозирги кунда ушбу платформада Геоинформатика курси ва курсга тегишли 8 та модул яратилган. Лойиҳа қатнашчилари ва ўқитувчилар ушбу платформага рўйхатга олинган ва модуллар таркибини ўқиб ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш, ўзларига тегишли бўлган модуллар бўйича фан дастурлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш ушбу платформага киритиш имконияти берилган. Европа Иттифоқидаги ҳамкорлар модуллар бўйича фан дастурлари ва ўқув қўлланмаларини ўрганиб чиқиб ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

2013 йилнинг 17-21 июн кунлари лойиҳа доирасида “Таълим методологиялари ва информацион коммуникация технологиялар” мавзусида навбатдаги ўқув амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар давомида лойиҳанинг маҳаллий ҳамкорлари ва ўқитувчилар Moodle платформаси ҳақида назарий ва амалий маълумотга эга бўлдилар, ушбу тизимни ривожлантириш мақсадида ҳар бир ҳамкор олий таълим муассасасидан маъсул ходим тайинланди ва улар учун амалиёт курси ташкил этилди. Австриянинг Париж-Лодрон

университети ўқитувчиси Бернард Бретц курсни бошқарди ва курс давомида маъсул ходимлар Moodle платформасидан фойдаланиш бўйича амалий машқлар бажардилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.



The screenshot displays the Moodle interface for the course 'Tempus Geuz Geoinformatics Uzbekistan'. At the top, there is a header with the course name and a language dropdown set to 'English (en)'. Below the header, a breadcrumb trail shows 'Home > Courses > Course categories'. On the left, a 'Navigation' sidebar lists various resources and course categories. The main content area, titled 'Course categories', lists several categories under 'MSc Geoinformatics' and 'Moodle Playground'. A search bar labeled 'Search courses:' is located at the bottom of the main content area.

Келажакда ўқитувчилар ўз фанлари бўйича яратилган ўқув материалларининг электрон шаклини ушбу платформага киритадилар ва магистратура талабалари ҳам ушбу платформага аъзо қилинади ҳамда улар фанларга тегишли бўлган ўқув материалларидан ҳоҳлаган пайтларида интернет орқали кириб фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Ундан ташқари, бу платформада ўқитувчилар талабаларнинг билимларини синаш мақсадида тест ёки ёзма иш шаклда саволлар тузиб онлайн имтиҳон олиб уларнинг билимларини баҳолаши мумкин. Платформанинг яна бир афзаллик томони ўқитувчи талабаларнинг платформага охири марта қачон кириб фойдаланганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиши ва улар билан хат ёзиши мумкин.

Шунингдек, янги магистратура мутахассислиги учун таълим муҳитини яратиш мақсадида лойиҳа доирасида янги ўқув хоналари ташкил этилади ва бу хоналар замонавий технологиялар билан жиҳозланади. Июнь ойида бўлиб ўтган семинарда ҳамкорлар қайси турдаги асбоб ускуналар олиниши кераклиги ҳақида муҳокама қилиб якуний қарорга келдилар. Унга қўра Ўзбекистондаги ҳар бир ҳамкор университетга GPS, электрон тахеометр ва нивелир, компьютерва бошқа турдаги жиҳозлар, Геоахборот тизимларига оид дастурлар, инглиз тилида ўқув материаллари ва умумий фойдаланиш учун фотограмметрик иш станцияси ҳамда лазер сканер олиниши режалаштирилди.

Тренинг курслари: Магистратура курсида муносиб дарс берадиган ўқитувчилар жамоасини шакллантириш, уларнинг малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида жорий йилнинг октябрь ва ноябрь ойлари Ўзбекистондаги ҳамкор университетларнинг ўқитувчилари учун Ғарбий Венгрия Университети ва Париж-Лодрон Университетларида 1 ойлик тренинг курслари бўлиб ўтади. Курсда Ўзбекистонлик профессор ўқитувчилар янги замонавий геодезик асбоб ускуналар билан ишлаш, спутникдан олинган суратларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, лазер сканерда ишлаш, рақамли фотограмметрикиш станциясида ишлаш ҳақида маърузалар тинглайди ва амалиётлар ўтадилар. Шунингдек, Ўзбекистонлик

профессор ўқитувчилар Ғарбий Венгрия университетидида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлар, инновацион лойиҳалар, таълим бериш методлари ҳақида маълумотга эга бўладилар. Курс давомида ҳамкорлар ўз билим ва тажрибаларини янада ошириб қайтади ва келажакда магистратура талабалари учун ўқув қўлланмаларини яратишда ва уларга дарс беришда Европа Иттифоқининг етакчи университетларининг тажрибаларини қўллаб мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Таълим тармоғини яратиш: Таълим тармоғини яратиш ҳам лойиҳанинг амалга оширишда жуда муҳим омиллардан ҳисобланади ва лойиҳа иш режасининг алоҳида бўлимида бу борада бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинган. Унга кўра лойиҳанинг инглиз ва рус тиллардаги веб-сайти, ижтимоий тармоқ, конференциялар ва тренинг курслари ташкил этилиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунга қадар лойиҳанинг инглиз ва ўзбек тилларидаги веб-сайтлари www.ge-uz.eu ва www.geoinformatics.uz домени остида яратилди ва ишлаб турибди, бу веб-сайтларда лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, кутилаётган натижалар, конференциялар, тренинг курслари ҳақида маълумот, шунингдек лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ҳар бир фаолият инглиз ва ўзбек тилларида кенг оммага ёритилиб келмоқда.

GE-UZ: Геоинформатика: Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришиш

Tempus

UZ RU EN

Бош саҳифа Тадбирлар Лойиҳа материаллари Галерея Фикрингизни билдиринг Масофавий таълим

Очилиш маросими

Очилиш маросими қатнашчиларининг гуруҳ сурати

1 2 3

Лойиҳа ҳақида
Мақсад ва вазифаларимиз
Ҳамкорларимиз
Кутилаётган натижалар
Биз билан алоқа

Янгиликлар архиви

Март 2013 (2)
Апрел 2013 (1)
Май 2013 (11)

Тошкент архитектура ва қурилиш институти (ТАҚИ)

Тошкент архитектура-қурилиш институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 майдаги фармони билан ташкил этилган. Институт Республиканинг архитектура-қурилиш таълим йўналишлари бўйича таянч ўқув муассаси бўлиб, олий таълимнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида олий таълим вазифаларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

Батафсил

Ўзбекистон миллий университети (ЎЗМУ)

Ўзбекистон миллий университети 1918 йилда Халқ университети номи билан фаолият бошлаган. 1920 йилда Туркистон Давлат университети, 1923 йилда эса Ўрта Осиё Давлат университети ва 1960 йилдан 2000 йилгача Тошкент Давлат университети деб номланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 14 сентябрдаги қарори асосида университетга Мирзо Улуғбек номи берилган.

Лойиҳа ҳамкорларининг яқиндан алоқа қилишлари мақсадида “www.linkedin.com” ижтимоий тармоғида Geoinformatics Education in Central Asia номли махсус гуруҳ яратилган бўлиб лойиҳа қатнашчилари ва ўқитувчилар бу гуруҳга аъзо бўлишган. Бу гуруҳ Европа Иттифоқилик ва Ўзбекистонлик ҳамкор профессор-ўқитувчиларнинг бир-бирларини соҳага оид янгиликлардан хабардор қилишлари, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш йўлида олиб борилаётган чора тадбирларни муҳокама қилиш, тавсия ва кўрсатмалар олишда жуда муҳим ўрин эгалламоқда.



Geoinformatics Education in Central Asia

Discussions Members Search More...

Share group | Group rules



Your Activity

Start: Discussion Poll

Start a discussion or share something with the group...

Attach a link

Share

Choose Your View



New book • 3 days ago

This month "Bilim" publishing house had published a little book "GIS Tiykarlari" (GIS basics). Authors: P.R.Reymov, N.K.Mamutov,...

Like

Comment

Flag

More

Most Popular Discussions



Follow Aizhan

Video about KazNU students' experience in Salzburg

Students from the Kazakh National University named after Al-Farabi studied for one semester at the Department of Geoinformatics, ...



KazNU_PLUS_2012 youtube.com

Kazakh National University (Al-Farabi) students reflecting on their semester abroad at the Department of Geoinformatics, University of Salzburg (http://www.zgis.at - PLUS) within the framework of these universities' partnership...

posted 1 day ago

Manager's Choice



Planning for GISCA13 in Almaty, May 2-3

Josef Strobl

See all »

Latest Updates



Nurlanbek Kaldybaev and 2 others like this discussion by Aizhan Assylbekova

Video about KazNU students' experience in Salzburg

Like (4) • 14 hours ago



Simone Dürr commented in the group on Video about KazNU students' experience in Salzburg: Nice video, thanks for sharing!

Like • Comment (1) • 18 hours ago



Josef Strobl likes this discussion by Aizhan Assylbekova

Video about KazNU students' experience in Salzburg

Like (4) • 1 day ago

Иш режага кўра магистратура курсида дарс бера оладиган мутахассисларни жалб қилиш ва талабаларни ушбу магистратура курси ҳақида хабардор қилиш мақсадида ҳозирги кунгача 2 та ахборотнома яратилди, 2 та конференция ўтказилди ва лойиҳа ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Келажакда турли хил семинарлар, тренинг курслар ва конференцияларни ташкил этилиши режалаштирилган, бу эса Геоинформатика соҳасининг кенг тарғибот қилинишида ва ривожланишида асосий рол ўйнайди.

Адабиётлар:

1. GE-UZахборотномаси (1 ва 2 нусха)
2. www.geoinformatics.uz веб-сайти
3. www.ge-uz.eu веб-сайти